

№ 01-31/1-2743

27.07.2021й.

“Тасдиқлайман”

Ўзбекистон Республикаси нинг

Бош вазири

УМУМИЙ  
БУЛIM

№ 2

Арипов

2021 йил



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига  
багишланган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни юқори  
савияда ўтказиш бўйича мажлис

### БАЁН № 60

2021 йил “26” июль

Вазирлар Махкамаси  
катта мажлислар зали

Рашслик килувчи: - А. Арипов – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Катнашдилар: - Республика комиссияси аъзолари, вазирликлар  
ва идоралар раҳбарлари (рўйхат бўйича)

### КУН ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги  
“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига  
тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида” ПҚ-4926-сон  
карори ижросини ташкил этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида

(А.Арипов, О.Назарбеков, Ш.Садиков, А.Ташқулов, Б.Ахмедов, А.Хаджаев,  
Ж.Артиқходжаев ва бошқалар)

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз  
йиллигига багишланган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни  
юқори савияда ўтказиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва  
зарур чора-тадбирлар кенг муҳокама килинди.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан билдирилган фикр  
мулоҳазалардан келиб чиқиб, мажлис **карор килади**:

1. Ташкилий-ишичи гурух раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси  
давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига багишланган асосий байрам  
томушаси дастурига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича берган таклиф  
ва ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси мустакилликининг ўттиз йиллигига багишилаб ўтказиладиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий-ишчи гурух (кейинги ўринларда - Ташкилий-ишчи гурух) таркиби **1-иловага мувофик**;

Ўзбекистон Республикаси мустакилликининг ўттиз йиллигига багишилаб ўтказиладиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ижодий гурух таркиби (кейинги ўринларда - Ижодий гурух) **2-иловага мувофик** тасдиқлансин.

3. **Маданият вазирлиги** (Назарбеков)нинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустакилликининг ўттиз йиллигига багишиланган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлашга буюртмачи этиб – “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, бош пудратчи этиб – “Ottaviy xalq bayramlari” МЧЖ танлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва бош пудратчи қонунда белгиланган тартибда фойдасини чегириб колган ҳолда хизматларини кўрсатсин.

4. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган тадбирларни тайёрлаш ва уларни ўтказиш билан боғлик харажатлар Республика бюджети ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан тенг улушларда тақсимланган ҳолда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хисоб рақамига ўтказилиши ва байрам тадбирлари учун режалаштирилган маблағлар доирасида сарфланиши инобатга олинсин.

5. “Ўзбекконцерт” давлат **муассасаси** (Узоков) Ўзбекистон Республикаси давлат мустакилликининг ўттиз йиллигига багишиланган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш ва ўтказиш учун ажратилган маблағларни шартнома асосида “Ottaviy xalq bayramlari” МЧЖ хисоб рақамига белгиланган тартибда дебит айланма ҳаражатларини ушлаб қолган ҳолда ўтказиб берсин.

#### **6. “Ottaviy xalq bayramlari” МЧЖ (Ялгарова):**

**бир хафта муддатда** Ташкилий-ишчи гурух билан келишган ҳолда асосий байрам дастури сарф-харажатлар сметасини ишлаб чикиб, Республика Ташкилий қўмитасига тасдиқ учун киритсин;

ажратилган маблағлар хисобидан байрам томошасида фойдаланиш учун саҳнани бадиий безаш, янги саҳна либосларини тикириш, янги мусикӣ асарлар яратиш ва ёзиб олиш, байрам иштирокчилари учун бутафория ва реквизит, саҳна пойафзаллари, тарихий либослар, болалар либослари, декорациялар, табиий гуллар билан безаш, рангли ҳаво шарлар учирин ва улар учун гелий гази, байрам фейерверклари (мушакбозлик), иштирокчилар учун футболка ва кепкалар, машгулот ва асосий байрам тадбири учун саҳна пойафзали, Ижодий гурух талабига кўра асбоб-ускуна, жихоз ва бошка маҳсулотлар харид қиласин;

асосий байрам дастурида иштирок этувчиларни (*Ташкилий-ишчи гуруҳ аъзолари, раққосалар ва бошқалар*) транспорт билан таъминласин;

байрам томошаси дастурига тайёргарлик жараёнларида иштирок этаётган раккосалар, Ташкилий-ишчи ва ижодий гурухлари аъзолари ҳамда барча иштирокчиларни З маҳал иссиқ овқат, машгулотлар жойларида қўшимча озиқ-овқат, доимий ичимлик суви билан таъминласин;

асосий байрам тадбиrlари ўтказиладиган худудда ўрнатиладиган палаткаларнинг пол кисмига махсус копламалар (ковролан) копласин, шунингдек, хар бир палаткага 2 донадан катта кўзгу ойна ва 24 нафар кишига мулжалланган ўриндиклар билан таъминласин;

Ташкилий-ишчи гурухи талабига мувофик, асосиай байрам дастурига тайёргарлик машқларини олиб бориш жойларига зарур миқдордаги ниқбланувчи тур (маскировочная сеть) харид қилиш ва ўрнатиш;

барча давлат тадбиrlарида фойдаланиш учун 20 дона махсус алока воситаларини (рация) харид қилиш;

асосий байрам томошасида иштирок этувчилар (Ташкилий-ишчи, Ижодий гурух аъзолари, раккосалар, хонанда ва созандалар, ижодий жамоалар ва саҳналаштирувчилар)га белгиланган тартибда 15 август куни олдиндан бўнак (аванс) ҳамда 30 август куни гонорар тўлаш ишларини амалга оширасин;

**“Оммавий байрамлар безаклари” МЧЖ (Жамолдинов)** билан биргаликда қисқа муддатда асосий байрам тадбири бўлиб ўтадиган худудни бадиий безаш ишлари бўйича эскиз лойихаларини тайёрлаш ва тасдикланган эскиз асосида шартнома тузиш оркали безаш ишларини амалга оширасин;

**“IOSIS” МЧЖ** (Иосис) билан биргаликда машгулотлар ҳамда асосий байрам тадбири ўтказиладиган худудда шартнома асосида овоз кучайтиргич мосламарини ўрнатиш чораларини кўрсасин;

**“Light Media Invest” МЧЖ** (Ажмегов) билан биргаликда **2021 йил 15 августга қадар** асосий байрам тадбири ўтказиладиган худудда шартнома асосида металл конструкциялар ва бадиий ёритиш ускуналарини ўрнатасин

**“Технолог пласт” МЧЖ** (Рузматов) билан биргаликда **жорий йилнинг 1 август кунига қадар** асосий байрам тадбири бўлиб ўтадиган саҳнанинг харакатланадиган зиналари билан подиум техник чизма лойихаларини тайёрлаш ва Ташкилий-ишчи гурухига тасдиклаш учун киритсан, тасдиклангандан сўнг шартнома асосида ишларни амалга оширасин;

Шунингдек, асосий байрам тадбири бўлиб ўтадиган саҳнани шартнома оркали турли ёритиш ускуналари билан таъминласин;

белгиланган тартибда шартнома асосида байрам дастури ва барча тадбир иштирокчилари учун рухсатномаларни чоп этиш, шунингдек, режалаштирилмаган (кўзда тутилмаган) бошка харажатларни молиялаштиришларни инобатга олсин;

Тадбир якунидан сўнг **1 ой муддатда** ажратилган маблағларни мақсадли сарфланганлити тўгрисида асосли ҳужжатларни илова қилган ҳолда “Ўзбекконцерт” давлат муассасасига молиявий хисобот тақдим этсин.

**7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар хокимликлариға:**

Ижодий-гурух талабига мувофик ҳудудлардан асосий байрам томошасига жалб этиладиган санъаткорларнинг (овқатланиш, транспорт, ва меҳмонхона) харажатларини қоплаган ҳолда иштирокини таъминлаш;

худуддан жалб қилинган ижодий жамоалар учун уч жамланмадан иборат янги саҳна либослари, бош кийим, саҳна пойафзали, миллий безак, тақинчоклар (тилла кош, улама соч, зебигардон, зирак, билакузук, тумор, бўйин маржон ва боника) билан таъминлашда алоҳида эътибор қаратиш;

худудлардан байрам томошасига жалб қилинадиган ижодий ва бадий жамоалар учун меҳмонхоналарга олдиндан буюртма бериш, жалб қилинадиган транспорт ва овқатлантириш харажатлари учун олдиндан шартнома тузиш ва ўрнатилган тартибда молиялаштириш ишларини амалга ошириш вазифалари топширилсин.

**8. Энергетика вазирлиги (Султанов)** асосий байрам томошасини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида электр таъминоти узлуксизлигини таъминласин.

**9. Тошкент шаҳар хокимлиги (Артиқходжаев):**

Асосий байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган ҳудуд атрофида ободонлаштириш, табиий гуллар ва манзарали дараҳтлар экиш ишларини амалга оширсин;

**жорий йилнинг 10 август кунига қадар** асосий байрам тадбирининг барча иштирокчилари учун асосий тадбир ҳудудида 2200 кишига мўлжалланган соябонлар (навес), ўриниклар (скамейка ва стуллар), контейнерда хожатхоналар, узлуксиз тоза ичимлик суви, шунингдек, ўрнатиладиган палаткаларга ёритиш чироклари ўрнатиш ишларини амалга оширсин;

Тошкент шаҳар Энергоназорат инспекцияси томонидан асосий байрам дастури бўлиб ўтадиган ҳудудда барча электр тармоклар, ёритиш ускуналарини тўлиқ текшириб, далолатнома расмийлаштирисин;

“Тошкент шаҳар электр тармоклари корхонаси” АЖ томонидан Энергоназорат инспекцияси тақдим этган далолатнома асосида камчиликларни бартараф этиб, ишлашини тўлиқ таъминласин;

“Тошсаҳарнур” ДУК томонидан Энергоназорат инспекцияси тақдим этган далолатнома асосида ҳамда асосий байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган ҳудудда бўлган барча ускуна ва жихозларнинг камчиликларини бартараф этиб, тўлиқ ишлашини таъминласин;

“Тошсаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти билан биргаликда Мустақиллик байрами муносабати билан тайёргарлик жараёнлари иштирокчилари учун автобусларни шартнома асосида имтиёзли нархларда ажратсин;

Шунингдек, 2021 йил 1 августидан ташкилий ишларни мувофикалаштириш учун Ташкилий-ишчи гурӯҳ ихтиёрига вакил юбориш вазифалари юклансин.

**10. Олий таълим вазирлиги (А.Тошкулов)га:**

жорий йилнинг 1 август кунидан тадбир якунига қадар асосий байрам тадбирига мўлжалланган катта ҳажмдаги саҳна декорациялари эскизларини тайёрлаш учун Тошкент давлат техника университети спорт залини ажратиш;

асосий байрам тадбири машғулотларини ўтказиш учун жорий йилнинг 1 август кунидан тадбир якунига қадар Тошкент Молия институти спорт залини ажратиш;

ижодий гурӯҳ буюртмасига мувофик асосий байрам тадбири оммавий бадиий саҳнада иштирок этиш учун бўйи 170 см.дан кам бўлмаган 1450 нафар талаба кизлар ва 650 нафар талаба йигитларни иштирокини таъминлаш ҳамда масъулларни белгилаш;

талабалар орасида хавфсизлик чораларини кўриш, жорий этилган тартиб-ингизом коидаларига риоя қилиш, репетицияларга сумка ва кўл телефонларисиз, кечикмасдан келишлари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

репетициялар ўтказиш вақти ва жойини Ташкилий-ишчи гурӯҳ билан келишиш;

байрам дастурида иштирок этувчи талаба ҳамда масъуллар рўйхатини тасдиқланган шаклда топшириш, уларни жорий йилнинг 28 июль кунидан бошлаб тадбир якунига қадар кунлик харажатлар ва йўл чипталари билан таъминлаш;

Асосий байрам тадбирининг 500 нафар иштирокчилари (созандалар, хор жамоаси ва бошқалар) учун шартнома асосида Талабалар шаҳарчасидан барча шароитларга эга 2 та ётокхона ҳамда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 200 кишига мўлжалланган ётоқхонасини ажратиш;

Шунингдек, 2021 йил 1 августидан ташкилий ишларни мувофикалаштириш учун Ташкилий-ишчи гурӯҳ ихтиёрига вакил юбориш вазифалари юклансин.

**11. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси** (Рафиков) асосий байрам тадбири болалар бўлими иштирокчиларининг тайёргарлик машқларини олиб боришлари учун Тошкент вилояти, Бўstonлик тумани, Хондайлик кишлоги худудида жойлашган “Тошсаҳартрансхизмат” АҚга карашли 300 ўринли “Автомобилчи” оромгоҳини шартнома асосида ажратсин.

**12. Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов)га:**

асосий байрам томошасида намойиш этиладиган спорт мавзуларига бағишлиланган бадиий дастур тайёрлаш чора-тадбирларини белгиласин ҳамда таниқли спорт усталари иштирокини таъминлаш;

**2021 йил 1 августидан ташкилий ишларни мувофиқлаштириш учун Ташкилий-ишли гурӯҳ ихтиёрига масъул вакил юбориш вазифалари юқлатилисин.**

**13. Маданият вазирлиги (Назарбеков)га:**

**жорий йилнинг 1 августидан:**

“Халқлар дўстлиги” санъат саройи ва “Туркистон” саройини байрам иштирокчилари машғулотлари учун бепул (коммунал тўловлар бундан мустасно) ажратиш;

Ўзбекистон давлат хореография академияси талабалар турар жойидан ракс жамоалари учун шартнома асосида жой ажратиш;

байрам дастуринининг мусиқий кетма-кетлигини шакллантириш учун Ўзбекистон давлат Консерваторияси овоз ёзиш студиясини тегишли мутахассислари билан ажратиш;

асосий байрам тадбирининг оммавий саҳналарида иштирок этиш учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 600 нафар талаба кизларини ҳамда Хор жамоаси учун 60 нафардан, жами 120 нафар йигит ва киз талабаларни кунлик харажатлар ва йўл чипталари билан таъминлаган ҳолда жалб этиш;

Шунингдек, Ижодий гурӯҳ талабига мувофик вазирлик тизимидағи ташкилотлардаги мавжуд маҳсус саҳна либослари, бутафория ва реквизитлар, гримёрларни ажратиш вазифалари юқлатилисин.

**14. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи** (Ш.Зайнiddинов) Мустақиллик байрами бадиий дастурларини тайёрлаш бўйича ташкилий-ишли гурӯҳ фаолияти ва ижодий жамоаларнинг машғулотларини ўтказиш учун тасарруфидаги Ёшлар ижод саройи биносидан бегараз (коммунал тўловлар бундан мустасно) жой ажратиш чораларини кўрсин.

**15. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** (Садиков) ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Абдуллаев) билан биргаликда асосий байрам тадбири ўтказиладиган саҳнага экранлар учун хаввозалар ва кенг масштабли LED экранларни бегараз ўрнатиш, шунингдек, уларни хавфсиз ишлашини таъминлаш чораларини кўрсинлар.

**16. Ўзбекистон кинематография агентлиги** (Абдухаликов), **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** (Хаджаев)га:

кенг масштабли экранларда мусиқий дастурга мос равишида видеолавҳаларни тайёрлаш чораларини кўриш;

асосий байрам дастурида фойдаланиладиган янги мусиқий асарларни ёзib олиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Тошкент радио эшиттириш уйи”нинг овоз ёзиш студиясини бегараз ажратиш;

тадбир дастурига кино актёрларини жалб этиш ҳамда реквизитлар, махсус сақна либослари, гримёр ва масъул ходим биритирган ҳолда ажратиш вазифалари топширилсин.

**Ўзбекистон кинематография агентлиги** (Абдухаликов) 1 ҳафта муддатда давлат тадбирларида фойдаланиладиган видеолавҳаларни сифатли тайёрлаш мақсадида “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК учун зарур техник воситаларни харид қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

**17. Мудофаа вазирлиги** (Курбанов), **Ички ишлар вазирлиги** (Бобожонов), **Миллий Гвардия** (Джураев), **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги** (Қўлдошев), **Давлат божхона қўмитаси** (Азимов), **Давлат хавфиззлик хизмати** (Турсунов):

асосий байрам томошасида намойиш этиладиган мардлик, жасорат ва ватанпарварлик мавзуларига бағишлиланган бадиий дастурни тайёрлаш чора-тадбирларини белгиласин;

Ташкилий-ишчи гурухи талабига мувофиқ, асосий байрам томошасида фойдаланиш учун зарур микдордаги никобланувчи тур (маскировочная сеть), ҳарбий анжом, асбоб-ускуналар, махсус ҳамда ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, шунингдек шахсий таркиб ажратилиши таъминлансин;

асосий байрам тадбирининг ҳарбийлаштирилган сақна кўринишларида иштирок этадиган барча шахсий таркиб байрамона янги ҳарбий кийим-кечаклар билан таъминласин;

тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, йўл харакати, ёнгин ва фуқаролар хавфиззлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиласин;

Ташкилий-ишчи гурухи талабига мувофиқ асосий байрам тадбири иштирокчиларини белгиланган жойларга хавфсиз бориш-келишлари учун йўл патруль хизмати кузатув автомобиллари (сопровождение) жалб қилсин;

**2021 йил 1 августидан** ташкилий ишларни мувофиқлаштириш учун Ташкилий-ишчи гуруҳ ихтиёрига Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳамда Давлат хавфиззлик хизмати марказий аппаратларидан масъул вакилларни юбориш вазифалари юклансин.

**18. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги** (Қўлдошев)га:

тадбир катнашчиларини кийим алмаштиришлари учун **жорий йилнинг 1 августан** палаткалар ўрнатиш ҳамда палаткалар сони, ўрнатиш жойини Ташкилий-ишчи гурухи билан келишиш;

тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказилиши режалаштирилган жойларда, меҳмонхона ва ётокхоналарда карантин талаблари асосида 24 соатлик навбатчиликни ташкил этган ҳолда хавфиззлик чораларини таъминласин.

Ташкилий-ишчи гурухи талабига кўра ФВВ академиясида таҳсил олаётган 200 нафар курсантлар асосий байрам дастурида иштирок этиш учун

**жорий йилнинг 1 август кунидан тадбир якунига қадар иштирокини таъминлаш вазифалари юклансин.**

**19. Мудофаа вазирлиги (Курбанов)га:**

Асосий байрам тадбири давомида байрамона салютни амалга ошириш учун маҳсус тайёргарликка эга ҳарбий хизматчилар ва салют мосламаларини **2021 йил 5 августга** қадар ажратиш;

тадбир қатнашчиларини кийим алмаштиришлари учун **жорий йилнинг 1 августдан** палаткалар ўрнатиш ҳамда палаткалар сони, ўрнатиш жойини Ташкилий-ишчи гурухи билан келишиш;

Асосий байрам тадбирининг ҳарбийлаштирилган саҳна кўринишларини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси саф майдони ва Мудофаа вазирлиги спорт мажмуасининг ўйингохини бутун тайёргарлик даврига ажратиш;

Ташкилий-ишчи гурухи талабига кўра Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясидан жами 300 нафар (шундан 100 нафар захира) курсантларни асосий байрам дастурида иштирок этиш учун **жорий йилнинг 1 август кунидан тадбир якунига қадар иштирокини таъминлаш вазифалари юклатилисин.**

**20. Миллий гвардия** (Джураев) Ташкилий-ишчи гурухи талабига кўра Миллий гвардия Жамоат хавфсизлиги университетида таҳсил олаётган 200 нафар курсантлар, шунингдек, Тошкент “Темурбеклар мактаби”дан 100 нафар ўқувчиларни асосий байрам дастурида иштирок этиш учун **жорий йилнинг 1 август кунидан тадбир якунига қадар иштирокини таъминласин.**

**21. Давлат хавфсизлик хизмати** (Турсунов) Ташкилий-ишчи гурухи талабига кўра ДХХ академиясидан 100 нафар, Кибрай “Темурбеклар мактаби”дан 100 нафар ўқувчиларни асосий байрам дастурида иштирок этиш учун **жорий йилнинг 1 август кунидан тадбир якунига қадар иштирокини таъминласин.**

**22. Ички ишлар вазирлиги (Икрамов)га:**

Ташкилий-ишчи гурухи талабига кўра ИИВ академиясида таҳсил олаётган 100 нафар курсантлар, шунингдек, “ЖАР” ихтисослаштирилган маҳсус мактаб-интернатдан 100 нафар ўқувчиларни асосий байрам дастурида иштирок этиш учун **жорий йилнинг 1 август кунидан тадбир якунига қадар иштирокини таъминлаш;**

Мустақиллик байрами бадиий дастурлари бўйича ижодий гурух талабномасига мувофиқ Тошкент шахридаги “ЖАР” спорт мажмууни спорт заллари билан биргаликда ҳомийлик асосида машгулотлар учун ажратиш вазифалари топширилсин.

**23. Ўзбекистон Миллий банки** (Мирсагатов) Мустақиллик байрами бадиий дастурлари бўйича ижодий гурух талабномасига мувофиқ Тошкент

шахридаги “Ёшлик” – спорт соғломлаштириш мажмуасини ҳомийлик асосида машғулотлар учун ажратсан.

**24. Давлат божхона қўмитаси** (Азимов) байрам муносабати билан чет элдан келтириладиган техник воситалар, реквизитлар, байрам либослари учун матолар ва бошқа турдаги маҳсулотларни қисқа муддатда расмийлаштириш ишларида амалий ёрдам кўрсатсан.

**25. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев)га:**

асосий байрам томошаси ўтадиган майдонда, Ташкилий-ишчи гурухи талабига кўра ва бошқа тайёргарлик машқлари ўтадиган жойларда тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил этиш;

асосий байрам иштирокчилари, шу жумладан талабалар орасида ҳазфезлик чораларини кўриш масалалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

асосий байрам дастурининг барча иштирокчиларни белгиланган тартибда хар хафтада бир маротаба бепул ПЦР тест топшириши ва белгиланган муддатларда коронавирусга қарши вакцина билан эмлаш ишларини амалга ошириш;

Асосий байрам дастури бўлиб ўтадиган ҳудуд, шунингдек, байрам иштирокчилари тураг жойларида ҳамда байрам дастурига тайёргарлик кўриш жойларида мунтазам дезинфекция ишларини олиб борилишини таъминлаш;

**2021 йил 1 августидан** ташкилий ишларни мувофиқлаштириш учун Ташкилий-ишчи гурух ихтиёрига вакил юбориш вазифалари юклансин.

**26. Мазкур мажлис қарорлари ижросини назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил  
“26” июлдаги 60сон мажлис  
баёнига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишилаб  
ўтказиладиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш  
бўйича Ташкилий-ишичи гурӯх**

**ТАРКИБИ**

1. Ахмедов Б. - Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринbosари, *Ташкилий-ишичи гурӯх раҳбари*
2. Каршиев Х. - Мудофаа вазири ўринbosари, *Ташкилий-ишичи гурӯх раҳбари ўринbosари*
3. Рахимова Д. - Тошкент шаҳар хокими ўринbosари, *Ташкилий-ишичи гурӯх раҳбари ўринbosари*
4. Икрамов А. - Ички ишлар вазири ўринbosари
5. Абдижалилов К. - Фавқулодда вазиятлар вазири ўринbosари
6. Мамаюсупов С. - Миллий гвардия қўмондони ўринbosари
7. Курбанов С. - ДХХ ЧҚ қўмондонинг ўринbosари
8. Иноятов А. - Согликни саклаш вазирининг биринчи ўринbosари
9. Бузрукхонов С. - Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазири ўринbosари
10. Шарифходжаев У. - Халқ таълими вазирининг биринчи ўринbosари
11. Пекос О. - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринbosари
12. Махмадалиев Б. - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринbosари
13. Хусанов У. - “Uzbekistan Airways” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринbosари
14. Хасилов Х. - Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси
15. Мухторов И. - Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари в.в.б.
16. Райимов Р. - “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув раисининг ўринbosари
17. Рузматов Д. - “Технолог пласт” МЧЖ директори
18. Адилов Б. - “Ўзбекфильм” киноконцерни директори в.в.б.
19. Мадрахимов А. - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси режиссёри
20. Дадажанов В. - Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Вазирлар Махкамасининг 2021 йил  
«26» июлдаги ~~60~~-сон мажлис баёнига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишилаб  
ўтказиладиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказини  
бўйича Ижодий гурух**

**ТАРКИБИ**

**Сценарий ва мусиқа тайёрловчи гурух**

- |                        |  |
|------------------------|--|
| 1. Сирожиддин Сайид    | - Ўзбекистон халқ шоири  |
| 2. Иқбол Мирзо         | - Ўзбекистон халқ шоири  |
| 3. Ризаев Шуҳратилла   | - Киномотография агентлиги Бош директорининг биринчи<br>ўринбосари |
| 4. Исмоилов Абдулоҳим  | - Ўзбекистон халқ артисти, бастакор                                |
| 5. Ўринбоев Камолиддин | - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист                             |
| 6. Абдурайимов Адҳам   | - Бастакор   |

**Режиссёrlар гурухи**

- |                         |   |
|-------------------------|---|
| 7. Шамсутдинов Рустам   | - Ўзбекистон санъат арбоби, Бош режиссёр                                  |
| 8. Қосимов Хайдарали    | - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият<br>ходими, режиссёр |
| 9. Қаҳхоров Эркин       | - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр                          |
| 10. Ҳасанов Марат       | - Қоракалпогистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр                     |
| 11. Аскаров Зафар       | - Режиссёр  |
| 12. Ҳолмўминов Асқар    | - Режиссёр  |
| 13. Ҳайдаров Руслан     | - Режиссёр  |
| 14. Голошапов Анатолий  | - Режиссёр  |
| 15. Шагиахмедова Фатима | - Режиссёр  |

**Балейтмesterлар гурухи**

- |                         |  |
|-------------------------|--|
| 16. Мадрахимова Гулмира | - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, балетмейстер |
| 17. Ахмедова Зарина     | - Балетмейстер                                       |
| 18. Жўрабоева Чарос     | - Балетмейстер                                       |
| 19. Абдуллаев Равшан    | - Балетмейстер                                       |
| 20. Надирова Елена      | - Балетмейстер                                       |

**Болалар блоки режиссёrlари**

- |                           |  |
|---------------------------|--|
| 21. Курбонова Нодира      | «Томоша» болалар мусиқий театр-студияси раҳбари  |
| 22. Зиямуҳаммедова Фотима | “Тантана” болалар ашула ва ракс ансамбли раҳбари |

### **Рассомлар гурухи**

- 23. Жамолдинов Акмал
- 24. Позилжонов Шоввоз
  
- 25. Зуннунова Севара
- 26. Юлдашева Райхон
  
- 27. Риспаева Аида
- 28. Алимов Хасан

- 29. Ботиров Фаррух
- 30. Джураев Фарход
- 31. Заиров Заир
- 32. Узоков Жамолиддин
- 33. Юлдашев Иброхим
- 34. Тўхтасимов Шухрат
- 35. Холиқулова Гўзал
  
- 36. Джамалдинов Алишер
- 37. Киличев Алишер

- 38. Юлдашев Қобил
- 39. Эргашев Амридин
- 40. Тожибоев Анвар
- 41. Юнусов Миржамол
- 42. Табиуллаев Мирхон
- 43. Алимахсумов  
Камолиддин
  
- 44. Холходжаев Жасур
- 45. Эрданов Санжар

- Ўзбекистон давлат Филармонияси Бош рассоми
- Дизайнер рассом

### **Либослар бўйича рассом**

- Дизайнер рассом
- Дизайнер рассом

### **Режиссёр ассистенлари**

- Режиссёр ассистенти
- Режиссёр ассистенти

### **Ташкилий гурух**

- Маданият вазирлиги бошкарма бошлиги
- Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори
- Ўзбекистон давлат Филармонияси директори
- “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси директори в.в.б
- Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори
- Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори
- Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб интернати директори
- Ўзбек миллий маком санъати маркази директори ўринбосари
- “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси директори ўринбосари

### **Мувофикаштирувчи режиссёrlар**

- Мувофикаштирувчи режиссёр
  
- Мувофикаштирувчи режиссёр
- Мувофикаштирувчи режиссёр